



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 11 март, № 47 (9218)

Чоршанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ДУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 март куни қишлоқ ва сув хўжалиги учун муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.

Кўп соҳаларда илм реал ҳаётдан узоқлашиб кетгани, қишлоқ ва сув хўжалигида ҳам айрим йирик лойиҳаларни амалга оширишда илмий асослаш ва экспертизага етарлича эътибор қаратилмаётгани, олимлар ҳамда тадқиқотчиларнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётгани қайд этилди. Натижада баъзи лойиҳалар қутилган самарани бермаётгани таъкидланди.

Ҳозирги кунда "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университетида 11 миңдан ортиқ талабалар тахсил олмақда, 7 та факультет, 37 та кафедра ва 38 та таълим йўналиши фаолият юритмоқда. Битирувчиларнинг бандлик даражаси 93 фоизни ташкил этади. Университетда хорихлик талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг сони ҳам изчил ошиб бормоқда.

Шу билан бирга, муҳандис кадрларни тайёрлашда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида дуал таълим тизимини кенг жорий этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Таклиф этилган янги тизимга кўра, талабалар 4 кун назарий билим олади, 2 кун ишлаб чиқариш корхоналарида ҳақ тўланадиган амалиёт ўтади. Жумладан, сув хўжалиги йўналишида сувни тежаш ва сугоришни самарали ташкил этиш, гидротехника ҳамда гидроэнергетика соҳасида каналларни бетонлаш, смета тузиш ва кичик гидроэлектр станциялар қурилишида иштирок этиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш йўналишида техникаларни тайёрлаш ва хосилни йиғиштириш ишларида қатнашиш имконияти яратилади.

Мамлакатимиз сув ресурсларининг катта қисми трансгегаравий манбаларга боғлиқлиги кўрсатиб ўтилди. Шу боис сув

ресурслари соҳасида дипломат кадрларни тайёрлаш муҳим стратегик вазифалардан бири экани таъкидланди.

Университетда ташкил этилган "Халқаро сув дипломатияси" магистратура дас-турини кенгайтириш ва давлат гранти асосидаги қабул ўринларини кўпайтириш таклифи маъқулланди. Бу дастур орқали кўшни давлатлар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган.

Тақдимотда университетнинг илмий-инновацион салоҳиятини кучайтиришга қаратилган янги ташаббуслар ҳам маълум қилинди. Хусусан, дронлардан фойдаланиб, экин майдонларини мониторинг қилиш, ҳосилдорлиқни прогноزلантириш, зараркунданларга қарши курашиш каби хизматларни, космик мониторинг маълумотлари асосида илмий тавсиялар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шу мақсадда университетда дронларни бошқаришга ўқитиш курслари жорий этилади, космик тадқиқотлар ва сунъий йўлдошлар лабораторияси, комплекс илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил этилади.

Бундан ташқари, университетда рақамли бошқарув ва "КР" тизимларини жорий этиш, таълимнинг узлуқсиз "мактаб — техникум — университет — ишлаб чиқариш" занжирини асосида кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш бўйича режалар ҳам маълум қилинди.

Тақдимот якунида давлатимиз раҳбари қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш ҳамда илғор технологияларни кенг жорий этиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятида ислохотлар натижадорлиги ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Қашқадарё ўзининг катта ҳудуди, бой табиий ресурслари, ривожланган sanoati, меҳнатқаш ва тадбиркор халқи билан улкан салоҳиятга эга экани таъкидланди.

Утган йили ялпи ҳудудий маҳсулотда 6,8 фоиз, sanoatда 7,2 фоиз, хизматлар соҳасида 13,6 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,3 фоизлик ўсish қайд этилди. 2017 — 2025 йилларда аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 3,2 баробар ўсиб, 26,9 миллион сўмга етди. Ишсизлик ва камбағаллик даражаси тегишли равишда 4,9 ва 6,5 фоизгача тушди.

2026 йилда иқтисодиёт тармоқларида янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисо-

бидан sanoatда 8,6 фоизлик ўсишни таъминлаш, 3,5 миллиард доллар инвестиция ҳисобига 727 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилгани қайд этилди. Натижада вилоят иқтисодиёти 8,2 фоизга, хизматлар 15,9 фоизга, қурилиш 13,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги 5,8 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Sanoatда 1,7 миллиард долларлик 195 та лойиҳани ишга тушириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳамда микроsanoat марказлари ташкил этиш орқали тармоқларда юқори ўсиш суръатларини таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИДА ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга нефть ва газ соҳасида белгиланган вазифалар ижросининг ҳолати юзасидан ҳисобот берилди.

Маълумки, жорий йилнинг 30 январь куни "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш, углеводород захираларини кенгайтириш ва тармоқни замонавий технологиялар асосида ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланганди. 23 февраль куни эса ушбу топшириқларнинг дастлабки ижроси кўриб чиқилиб, қатор қўшимча топшириқлар берилган эди.

Бу галги тақдимотда мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш жараёни яна бир бор таҳлил қилинди.

Нефть ва газ соҳасида геология-қидирув ишларини кенгайтириш, янги конларни аниқлаш, мавжуд қудуқлар самарадорлигини ошириш ва қазиб чиқариш ҳажмини барқарорлаштиришга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бу борада соҳа раҳбарларининг жорий йил бошидан "3D" сейсмик қидирув ишлари 471 квадрат километр ҳажмда амалга оширилгани, 11 та янги қудуқ ишга туширилгани, 20 та қудуқда таъмирлаш ишлари бажарилгани ва 5 та технологик тадбир амалга оширилгани тўғрисидаги маълумоти кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, соҳада операция самарадорлигини ошириш, корхоналарнинг харажатларини мақбуллаштириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари белгиланган вазифалар ва режалаштирилган чора-тадбирлар ижросини аниқ ҳисоб-китоб ва қатъий интизом асосида таъминлашни давом эттириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Ў.А.

Инсон ҳаётини, жамият тараққиётини хотин-қизларсиз, уларнинг эзгу фазилатларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз сизларнинг тимсолингизда Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлиб майдонга чиқаётган 22 миллионлик ёш авлодни оналик меҳри билан тарбиялаб, вояга етказган буюк бир кучни кўраимиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Янги Ўзбекистон аёллари — куч, меҳр ва илҳом тимсоли



Дил сўзи

Март ойи юртимизга гўзаллик ва нафосат руҳини олиб кирди. 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунининг байрамони шукҳи баҳор нафаси билан уйғунлашиб, бутун халқимизга янада кўтаринки руҳ, қувонч улашди.

Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, илм-фан, таълим, маданият, тиббиёт, тадбиркорлик ва бошқа кўпга соҳаларда ўзининг истеъдоди, заковати ва қатъияти билан юрт равнақига муносиб ҳисса қўшаётган аёлларимиз бугун жамиятимизнинг энг катта таянчи,

маънавий кучи сифатида эътироф этилмоқда. Улар меҳнати, меҳри ва матонати билан оилаларга фойз, жамиятга барак олиб кирмоқда.

Байрам арафасида Президентимизнинг фармони ва қарорига мувофиқ жамиятимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келаётган опа-сингилларимиздан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланди. Бу эътироф уларнинг йиллар давомидаги меҳнати ва иқтидорига берилган муносиб баҳодир. Айни пайтда бу юртимизда аёл зотига бўлган юксак ҳурмат ва

эътиборнинг яна бир ифодаси.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Кўксарой қароргоҳида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлатимизнинг нуфузли ордени ва медаллари билан тақдирланган опа-сингиллар ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб кўрилган иқтидорли қизлар жам бўлди.

Тантанали маросимда Президентимиз иштирок этиб, юртимиздаги барча аёлларни байрам билан самимий қутлади. Уларга сihat-саломатлик, бахт-саодат ва янги ютуқлар тилади. Мамлака-

тимиз равнақи йўлида меҳнат билан донг таратаётган соҳа фидоийлари, иқтидорли қизлар давлатимиз раҳбари қўлидан юксак мукофотларни қабул қилиб олди.

Бу лаҳзалар залда ўтирган ҳар бир инсон қалбида алоҳида ҳаяжон уйғотди. Мукофот соҳибларининг кўзларида қувонч, юзларида миннатдорлик ва фахр туйғуси намоён эди. Улар учун бу кун нафақат катта эътироф, балки ҳаётларида унутилмас, юракларда муҳрланиб қоладиган қутлуг бир воқеага айланади.

4-саҳифага қаранг.

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Озарбайжон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси Вюгар Гулмамедов билан учрашди.



Учрашув

Мулоқот давомида икки давлат Ҳисоб палаталари ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Қайд этилганидек, имзоланган ҳамкорлик меморандуми мазкур соҳадаги алоқаларни янада мустаҳкам-

лаш ва ўзаро тажриба алмашишни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳисоб палаталари томонидан олиб борилаётган урганиш ва таҳлиллар парламент фаолияти билан узвий боғлиқ экани, назорат-таҳлил натижалари асосида таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиш давлат дастурларининг самарали ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Сиёсий партиялар фракцияларида

ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРДА ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИ УСТУВОР



Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеликларга эътибор қаратилди, шунингдек, қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз раислигида фармацевтика тармоғида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда соҳага илғор технологияларни жорий этишни жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселекторда илгари сурилган ташаббус-

ларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Депутатлар мазкур тармоқни янада ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳамда маҳаллий дори воситаларини улушини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлашда муҳим қадам бўлганлигини қайд этишди.

2-3

Шукуҳ

НАВРЎ НАВОЛАРИ

Боғлар баҳорини соғинди жуда,
Новдалар мушлардан оғринди жуда,
Қишнинг кезилари энди беҳудда,
Ҳар ёнда қорларнинг суви оқмоқда,
Наврўз наволари эшик қоқмоқда.

Мулоим майсалар юзин очдилар,
Бодом куртаклари кўзин очдилар,
Ҳатто чумолилар узин очдилар,
Умри ўтганини қиш ҳам ўқмоқда,
Наврўз наволари эшик қоқмоқда.

Момолар сумалак хуморидадир,
Кўнгишлар кўк сомса ифоридадир,
Ошиқлар қўллари дил торидадир,
Висол онларига ҳаёл учмоқда,
Наврўз наволари эшик қоқмоқда.

Кўнгишлар кўзида олам ям-яшил,
Чунки йўлга чиққан кўклам ям-яшил,
Шоирлар наздида қалам ям-яшил,
Илҳом оқиб келар эжажжи ирмоқда,
Наврўз наволари эшик қоқмоқда.

Уйғонсин, бор олам, элар уйғонсин,
Яратмоқ ишқиди диллар тўлғонсин,
Юзлар ловилласин, юраклар ёнсин,
Баҳор, бахт дастлаб бизга боқмоқда,
Наврўз наволари эшик қоқмоқда.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Аввал хабар берилганидек, Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил” иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2025 йилда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи атрофлича муҳокама қилинган эди.

Нуктаи назар

Айтиш жоизки, ўтган даврда давлат дастурининг ҳар бир йўналиши бўйича кенг камровли ишлар амалга оширилган, уларнинг натижалари халқимизнинг кундалик ҳаётида акс этган. Жумладан, давлатда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида жами 226 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Мамлакатимиз Президентини томонидан давлат дастурининг ижросини таъминлаш ташкил этишга қаратилган алоҳида эътибор, ундаги тадбирларни амалга ошириш бўйича ўз вақтида қабул қилинган фармонлар ва қарорлар ҳамда ўтказилган қатор муҳокамалар ушбу муҳим ҳужжатнинг самарали бажарилишида асосий омили бўлган.

Давлат дастурининг ижросини назорат қилиш, белгиланган чора-тадбирларни ҳукумат билан ҳамкорликда амалга оширишда Қонунчилик палатаси ҳам фаол қатнашди. Қуйи палата ва ундаги сиёсий партиялар фракцияларида давлат дастури доирасида бажарилган ишларнинг ҳолати юзасидан мансабдор шахсларнинг ахбороти эшитиб борилди. Қўмиталар дастурда белгиланган вазифаларнинг жойларда ижро этилиши ҳолатини мунтазам равишда назорат-таҳлил тартибида ўрганди.

Дилмурод АРТИҚОВ, Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлат дастурида яқини етмаган агротуризмни ривожлантириш, “Бир миллион яшил оила” умумийлиги ҳаракати доирасида “Эко-фаол фуқаро” ва “Яшил тадбиркор” мақомини жорий этиш масалаларини тезлаштириш депутатларнинг эътибор марказида бўлди. Зеро, бугунги кунда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида изчил ислохотлар амалга оширилаётган бир шарафлиқ атроф-муҳитни муҳофизат қилишга қаратилган ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шокиржон АХМЕДОВ, Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлат дастурининг ижросини муҳокама қилиш жараёнида “Кўп квартиралар уйлари ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш қилиш асосида қуришда иштирок этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг ҳозирга қадар қуйи палатага киритилмаганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Депутатлар лойиҳани қисқа муддатларда киритишни таъминлаш зарурлигини билдиришди.

Хар икки масала ҳам мамлакатимизда экологик барқарорлиқни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофизат қилиш, “Яшил макон” умумийлиги лойиҳасининг жозибадорлигини янада ошириш, энг муҳими, бу ташаббусларда халқимиз, айниқса, тадбиркорларнинг фаол иштироки эътиборга олинади. Мансабдор шахсларга эса парламент ва депутат сўровлари юборилди.

Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлат дастурининг ижросини муҳокама қилиш жараёнида “Кўп квартиралар уйлари ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш қилиш асосида қуришда иштирок этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг ҳозирга қадар қуйи палатага киритилмаганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Депутатлар лойиҳани қисқа муддатларда киритишни таъминлаш зарурлигини билдиришди.

Хар икки масала ҳам мамлакатимизда экологик барқарорлиқни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофизат қилиш, “Яшил макон” умумийлиги лойиҳасининг жозибадорлигини янада ошириш, энг муҳими, бу ташаббусларда халқимиз, айниқса, тадбиркорларнинг фаол иштироки эътиборга олинади. Мансабдор шахсларга эса парламент ва депутат сўровлари юборилди.

Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлат дастурининг ижросини муҳокама қилиш жараёнида “Кўп квартиралар уйлари ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш қилиш асосида қуришда иштирок этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг ҳозирга қадар қуйи палатага киритилмаганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Депутатлар лойиҳани қисқа муддатларда киритишни таъминлаш зарурлигини билдиришди.

Ўзбекистон ва Венгрия:

ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетиди ўтган Ўзбекистон — Венгрия олийгоҳлари ректорларининг учинчи форуми икки мамлакат олий таълим тизимида муҳим воқеа бўлди. “Рақамли даврда олий таълим: сунъий интеллект, инновацион моделлар ва глобал рақобатбардош университетлар” мавзусида ташкил этилган мазкур нуфузли анжуман икки мамлакат ўртасидаги таълим ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорлиқни мутлақо янги bosқичга кўтарди.

Биз ва жаҳон

Форумда Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири Кўнғиртбой Шарипов, Венгрия ректорлар конференцияси президенти, Семмелвейс университети ректори Бела Меркелли, Венгриянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчи Ижоев Рожа, шунингдек, икки мамлакатнинг 80 дан ортқ етакчи олий таълим ташкилотлари раҳбарлари ва соҳа вакиллари қатнашди.



Форумнинг очилиш маросимида сўз олганлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига тўхталиб, бугунги ютуқлар замирида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ўртасидаги дўстона муносабатлар муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Алоқаларда сифат ўзгаришлари

Венгрия билан олий таълим ва илм-фан соҳасида ҳамкорлик 2017 йил 21 декабрь куни Тошкент шаҳрида имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Венгрия Ҳукумати ўртасида таълим, фан ва маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим” асосида амалга оширилмоқда. Ушбу битим икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг фаол ривожланишига туртки бермоқда.

Кейинги йилларда ҳамкорлик йўналишлари, асосан, академик дастурларни амалга ошириш, талабалар ва ўқитувчилар алмашинувиини ўз ичига олган бўлса, бугунги кунда алоқалар анча кенгайиб, аниқ лойиҳалар ва стартаплар даражасига кўтарилди. Бу эса, шубҳасиз, ҳамкорлигимиз сифати ўзгарганидан далолат.

Форумда эътироф этилганидек, Венгрия ҳукуматининг Ўзбекистон фуқаролари учун “Stipendium Hungaricum” стипендия дастури доирасида ажратаётган таълим грантлари квотаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2019/2020 ўқув йилида атиги 30 та бўлган стипендия ўринлари 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб 200 тага етди. Бу ўзбек ёшлари учун Венгриянинг нуфузли университетларида бепул таҳсил олиш имкониятини кенгайтиради.

Салоҳиятга мос натижалар

Форумда тақдим этилган статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистоннинг 50 дан ортқ олий таълим муассасалари Венгриянинг 30 дан зиёд университети ҳамда илмий-таълим

Форумда тақдим этилган статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистоннинг 50 дан ортқ олий таълим муассасалари Венгриянинг 30 дан зиёд университети ҳамда илмий-таълим ташкилотлари билан турли йилларда имзоланган юзга яқин ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва англашув меморандумлари асосида ўзаро алоқаларни амалга оширмоқда. Бу рақамлар ҳамкорлик кўлами қанчалик кенг эканини кўрсатади.

нуб, балки аниқ иқтисодий самара берадиган лойиҳаларга айланаётганини кўрсатади.

Венгрия ректорлар конференцияси президенти, Семмелвейс университети ректори Бела Меркелли ўз нутқида Венгрия олий таълим тизимининг сўнгги йилларда эришган таълим олдиди. Эндликда эса бизнинг университетда айнан туризм, меҳмондўстлик ва маданий мерос йўналишларида халқаро шериклик ҳамда академик алмашинув дастурлари доирасида ҳамкорлик тақдирини илгари сурмоқдамиз.

Форумнинг ялпи мажлисида қатор ректорларнинг маърузалари тингланди. Олийгоҳлар раҳбарлари таълимдаги креатив ёндашувлар, стратегик

шериклик ва байналмилаллик масалаларига оид қimmatли фикрларни ўртага ташлади.

Форум доирасида икки параллель сессия ташкил этилиб, уларда олий таълимни ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Биринчи сессияда сунъий интеллект даврида кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотлар ва қўшма лабораториялар ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Иккинчи сессияда стартаплар, технологиялар трансфери ва университет — саноат ҳамкорлиги масалалари бўйича қизқичқарли маъруза ҳамда тақдимотлар билан танишилди.

Айниқса, Истван Сзеченини университети профессори Л. Палковичнинг “Замонавий қишлоқ хўжалигини бошқариш”, “Smart Farm” мавзусидаги маърузаси ва Венгрия Инновация агентлигининг халқаро эксперти Ж. Галланнинг “Университет лойиҳаларини 6 ой ичида бозорда тасдиқлаш” мавзусидаги тақдими катта



қиизиқ уйғотди. Улар амалий ҳамкорлик учун муҳим ғоялар берди.

Юқори марралар сари жипслашув

Ўзбекистон ва Венгрия олийгоҳлари ректорларининг учинчи форуми айнан Самарқандда ўтказилгани бежиз эмас. Бу шаҳар асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни, турли маданиятларни боғловчи бебаҳо кўприк вазифасини ўтаб келган. Бугунги кунда айнан мана шу очиклик ва ўзаро ҳурмат руҳи университетларимизни янги марралар сари бirlаштирмоқда.

Форумнинг муҳим натижаси — Ўзбекистон ва Венгрия олий таълим муассасалари ўртасида 20 дан ортқ янги ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Бу келишувлар қишлоқ хўжалиги, муҳандислик, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, энергетика, тиббиёт ва педагогика каби устувор йўналишларда қўшма таълим ва илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Бизнинг “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети-ми Венгриянинг етакчи давлат олийгоҳларидан бири бўлган ва 2026 йилда Шарқий Европа рейтингда 99-ўринни эгаллаган Сопрон университети билан халқаро ҳамкорлик доирасида меморандум имзоланди. Унинг доирасида, асосан, академик дастурларни амалга ошириш, талабалар ва

ўқитувчилар алмашинуви кўзда тутилган.

Форум доирасида Венгрия делегацияси Самарқанд, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳрида қатор тадбирларда қатнашди. Жумладан, Обуда университети билан ҳамкорликда Жиззахда ташкил этилган “INNO” технопарки фаолияти билан танишди. Ўзбекистоннинг қўллаб олий таълим муассасаларига ташриф буюрди. Шунингдек, пойтахтимизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди.

Ўзбекистон — Венгрия олийгоҳлари ректорларининг учинчи форуми икки мамлакат ўртасидаги стратегик академик ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни ривожлантириш, шунингдек, глобал рақобатбардош университетлар экзитизини шакллантириш йўлида муҳим қадам бўлгани билан аҳамиятли.

Форумда эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар нафақат олий

таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш, балки икки мамлакат иқтисодиётининг реал сектори учун малакали кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий қилиш, стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш каби муҳим вазифаларни ҳал этишга хисса қўшади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Кўнғиртбой Шарипов форумда таъкидлаганидек, келгусида қишлоқ хўжалиги, муҳандислик, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, меҳнаткор ва робототехника, энергетика, тиббиёт, педагогика каби долзарб йўналишларда илмий тадқиқот ҳамда таълим лойиҳаларини амалга ошириш устувор мақсад қилиб белгиланди.

Венгриянинг буюк олими, Нобель мукофоти соҳиби Альберт Сент-Дердид айтганидек: “Тадқиқот — бу ҳамма кўрган нарсани кўриш, аммо ҳеч ким ўйламаганидек ўйлашди”. Илм-фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик халқларни яқинлаштиради, янги ғоялар ва кашфиётлар учун имконият яратди. Шу маънода, Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги таълим ҳамда илмий ҳамкорлик йўналишидаги ҳар бир қадам келажакка қаратилган қimmatли сармоядир. Мазкур форум ана шундай сармоянинг яна бир тасдиғи бўлди.

Мухоминг ХОЛМУҲАММЕДОВ, “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети ректори вазифасини бажарувчи.

МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартиби лойиҳасини шакллантириш ҳамда уларни қақриши, доимий комиссиялар ишини мувофиқлаштириш ва бошқа ташкилий ваколатларга эга Кенгаш Раёсати институти жорий қилиниб, унинг иш фаолияти тартиби белги-ланяпти.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Кенгашларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг айрим муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш бўйича “Кенгаш соати” институти ҳам жорий этилмоқда, — дейди фракция аъзоси Гулруҳ Агзамова. — Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда жойларда Кенгашлар назорат фаолиятининг такомиллашувиغا хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида Мазкур ижобдор таълим тўғрисидаги кодексга асосланган ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳа интернет тармоғида безориликни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш, шунингдек, шахснинг ўзи содир қилган ҳуқуқбузарлиги акс эт-

ган материалларни тарқатиш ҳолатлари учун жавобгарлик белгилашни назарда тутди.

Бундан ташқари, лойиҳада банд солинган ёки ижро ҳаракатлари доирасида хатланган мулкни қарздор томонидан қонунга хилоф равишда тасарруф этиш ҳолатлари учун ҳам жавобгарлик чораларини белгилаш тақдир қилинмоқда.

Муҳокама жараёнида депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида фракция томонидан билдирилган тақдир ва эътирозлар инобатга олинганига алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга, айрим нормаларни янада аниқлаштириш ва такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Жумладан, фракция аъзоси Шарофиддин Назаров банд солинган ёки ижро ҳаракатлари давомида хатланган мулкни яшириш, йўқотиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ метёёларни янада аниқ баён этиш зарурлигини билдирди. Унинг фикрича, мазкур ҳолатлар қонун нормаларида аниқ ифодаланмаса, амалиётда турли талқинларга сабаб бўлиши мумкин.

Қонун лойиҳасига масъул қўмита вакиллари эса тақдир қилинаётган нормалар амалда юзга келаятган қонун муайян ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишга қаратилганини таъкидлади. Айниқса, банк кредитлари бўйича ғаровга қўйилган мулкни яшириш ёки шикастлантириш ҳолатлари айрим ҳолларда ижро ҳаракатларини амал-

Янги Ўзбекистон аёллари — куч, меҳр ва илҳом тимсоли

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси:



рими қалб тафти билан босарди, инжикликларимга бардош берарди — буларнинг барчаси хотирамда муҳрланиб қолган.
Уша пайтларданоқ онам ўз орзу-умидларини биз, фарзандлар бахти билан боғлаб тасаввур этган. Ҳаётимизда, аввало, бизларни ўйлаган, ўз оромини эмас, фарзандларини тинчлигини устувор билган.

Мен бугун ҳаётда нимагадир эришган, одамлар ишончини қозонаётган бўлсам — ҳаммасини онамнинг меҳнати, тарбияси ва дуолари натижаси деб биламан. Бу инсон берган тарбия тўғрисида мен ҳалолликни, адолатни, меҳр-оқибатни ҳаётимнинг асосий мезони, деб билдим. Инсон қадрини улуғлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга меҳр кўрсатишни шу кишидан ўргандим. “Яхшилик қил, қайтмаса ҳам афсусланма”, деган ўғити ҳаётим шioriга айланган. Онамнинг самимийлиги, соддалиги ва меҳридорлиги мен учун энг катта намунадир.

Инсон ҳаётда турли синовларга дуч келади. Қийинчиликлар, ташвишлар, масъулиятлар ҳар биримизни тоблайти. Аммо мен ҳар қандай вазиятда ўзимни ёлғиз ҳис қилмайман. Чунки ортимда онамнинг дуолари, ишончи ва меҳри борлигини биламан. Она дуоси — энг кучли паноҳ, энг мустаҳкам қалқон.

Онам — бутун оиламиз фахри. Бу инсоннинг ҳаёт йўли — фидойилик, сабр ва меҳр билан тўлган ибратли мактаб.

— Она... Бу сўзни тилга олган инсоннинг қалбига дарҳол илиқлик уйғонади. Чунки она — меҳр-шафқат тимсоли, сабр ва матонат намунаси, фидойилик ва бағрикенглик мактаби. Она — ҳаётимиздаги илк муаллим, илк устоз, илк йўлбошич. Инсон бу дунёга келган илк ондан бошлаб, она меҳри билан улғаяди, дуоси билан куч топади, ишончи билан қанот ёзади.

Президентимиз Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан инсон бахти оиладан бошланганини, оила эса аёл билан мустаҳкам эканини таъкидлагани бежиз эмас. Она фарзандига нафақат ҳаёт бахш этади, балки унинг тақдирини шакллантиришга катта хизмат қилади. Ҳаётимиздаги она эндигина тетапоя бўлганимдан бошлаб шу кунгача ҳам ҳаётимнинг катта-кичик бўронларидан мени асраб-авайлашга интилиб келади. Болалигимда кўркувлани

Зухриддин МАВЛОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Президентимизнинг ўз нутқида “Янги Ўзбекистонни аёллари ҳаётдан рози бўлиб, бахтли-саодатли яшайдиган мамлакатга айлантириш — менинг энг катта нијатим”, деган



сўзлари қалбимни тўлқинлантириб юборди. Зеро, мамлакатда оналар бахтли экан, демак, бутун халқ бахтлидир.

Баъзан босиб ўтилган ҳаёт йўлимга назар ташлаб, бир ҳақиқатни англашга: бугун мен эришган барча ютуқлар ва халқнинг ишончи — аслида меники эмас, ота-онамнинг муваффақиятидир. Чунки ҳаётдаги ҳар бир натижамиз — бор-йўғини биз, фарзандларига сарфлаб, тўғри тарбия берган, яхши таълим олишимиз ва севган касбимизни эгаллашимиз учун шариқ яратган ушбу инсонларнинг фидокорона меҳнатлари самарасидир.

Онам бизга ҳашаматли самолётлар олиб бермагандир, лекин энг муҳими — парвоз қилиш санъатини ўргатди ва биз учун мустаҳкам учиш йўлагини тайёрлаб берди. Волидамиз берган энг катта бойлик — бу тарбия, ишонч ва муқаддас дуоларидир.

Болалигим Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги олис Килкон қишлоғида ўтган. Қишда қор кечиб, ёзда кўёшда пишиб мактабга қатнар

эдик. Ушанда онамнинг 5 нафар фарзандини бирдек руҳлантириб, ортимиздан дуо қилиб кузатиб қолган сиймоси ҳамон кўз олдимда.

Онажоним мактабда дарс бермагандир, катта лавозимларда ишламагандир, аммо оддий қишлоқ аёли ва уй бекаси сифатида менинг ҳаётимдаги биринчи ва энг буюқ устозим ҳисобланади. Ростгўйликни, меҳнатсеварликни, каттини ҳурмат қилишни, кичикни асрашни, ҳалоллик ва сабрни — буларнинг барчасини биз, аввало, шу инсондан ўргандик.

Соғлигим сабаб ака-укаларим ва тенгдошларим каби боғчага бора олганимда, мени ўқсинмасин деб 5 ёшимдан қўлимга қалам тузқазиб, уйда ҳарф танитган ва шу ёшимда китоб ўқитган ҳам шу зот! Менинг илк лиқабом, илк китобим ва илк сабогим онамнинг меҳр тўла кўлларидан бошланган. Мактабда аъло баҳоларга ўқиганим, фан олимпиадаларида қатнашим, тарих ва ҳуқуқ фанларига меҳрим ортгани — буларнинг барчасида ота-онамнинг ишончи ва далдаси бор эди.

Болалик хотираларимни эсласам, кўз олдимда жуда оддий, аммо жуда азиз манзара жонланади: қишлоқ айвонида ўтириб дарс қилаётганим, ҳовли деворига илинган радиодан таралаётган куй, укаларимнинг шўхликлари, волидамнинг эса тандир бошида нон ёпишлари...

Ушанда бу оддий кундек туюларди. Аммо йиллар ўтиб тушунаркансан: айнан шу манзаралар инсон умрининг энг қимматбаҳо хазинаси экан.

Мунис онажонларимизнинг борлиги ҳар биримизнинг энг катта бахтимиздир.

Клара ТОШПЎЛАТОВА,
Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг техник бўлими стандартлаш бўйича етакчи муҳандис-технологи, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби:

— Аёл нозик хилқат бўлишига қарамай, катта ва масъулиятли ишларни ҳам елкасига қўрмай олади. Зиммасига юкланган вазифани сидқидилдан адо этишда унинг сабри, матонати ва иродаси баъзан тоғларни ҳам талқон қилгулик.

Бу ҳақиқатни ўз ҳаётим ва меҳнат фаолиятим орқали янада теран ҳис этиб келяпман. Агар инсон касбинини севса, меҳнатидан завқ олса, ишнинг оғирлиги сезилмайди. Мен учун ҳам муҳандис-технолог сифатидаги фаолиятим ҳаётим мазмунига айланган. Бу жамоада қарийб қирқ йилдан буён самарали фаолият юритиб келяпман.

Халқаро хотин-қизлар кунини арафасида орден билан тақдирланганим меҳнатимга берилган юксак баҳо, айни пайтда мен учун катта шараф ва масъу



улиятдир. Айниқса, ушбу мукофотни Президентимиз қўлларидан қабул қилиб олганим ҳаётимда унутилмас, ҳаяжонли ва бахтли онлардан бири бўлди. Уша лаҳзаларда қалбимни қандай туйғулар чулғаб олганини сўз билан тўлиқ ифода этиш қийин. Қувончдан кўнглим тўлқинланиб кетди. Бу эътибор менга янада куч-ғайрат бағишлади.

Она ва аёл сифатида бу эътиромни умрим давомида унутилмас, ҳаётимнинг мазмунли ва фахрли онлари сифатида қадрлаб, қалбим тўрида асрайман.

Лайло ШАРИПОВА,
Бухоро давлат педагогика институтини профессорси, филология фанлари доктори (DSc), «Шухрат» медали соҳиби:

— Шогирдларимиздан бири кечки пайт кўнгириқ қилиб қолди: “Давлат раҳбарининг эътирофи муборак бўлсин!” Бир лаҳзада умрим саҳифалари; мактабда, олий таълимда сабоқ берган; илмий ва бадий ижод сирлари билан ўртоқлашган улуг устозларим, ота-онам, қайнона-қайнотам кўз олдимдан ўтди. “Меҳнат қил, излан, интил, қадр топасан”, деганларига риоя этиб яшадим. 1990 йилдан ҳозиргача, 35 йилдири, талабаларга билим улашаман. Ҳаётим навқирон авлод-

га таълим тарбия бериш билан ўтаётганига шукр. Англаганим шуки, битта бўр ва битта доска кўмағида ҳам сабоқ бера олиш мумкин. Аммо замондан, дунёдан орқада қолиб бўлмайди. Ёшлар билан ҳамнафас, ҳаммаслақ бўлмасангиз, ўқитасизуқдира олайсиз. Шу сабабдан фанларнинг ўқитишда назария ва амалиёт бирлиги муҳим, фанлар интегра-



Факт ва рақамлар

Мамлакатимиз хотин-қизлари ҳаётидаги катта ўзгаришлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда

Хусусан,

Ўзбекистон Парламентлараро Иттифоқнинг “Парламентдаги аёллар” рейтингиди 92 поғона юқорилиб, 36-ўринни эгаллади;

“Гендер тенглик ва бошқарув” индексиди 103-ўриндан 52-ўринга кўтарилди;


Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” ҳисоботида эса ўз позициясини 43 поғонага яхшилаб, 48-ўринга чиқди.

Муқаддас АТАЕВА,
Урганч шаҳридаги яқка тартибдаги тадбиркор, гул етиштирувчи, «Шухрат» медали соҳиби (Хоразм вилояти):

— Баъзан катта ишлар кичик оруздан бошланади. Шу маънода, бир пайтлар томорқамнинг чеккасига шунчаки бир нечта гул кўчати экандим. Уша пайтда бу иш бунчалик кенгайиб кетади деб ўйламаган эдим. Йиллар ўтиб қарасам, томорқамнинг бир қарич ери ҳам бўш қолмабди.

Иссиқхонани 2018 йилда ташкил қилганимиз. Уша пайтларда 50 минг дона гул уруғини экиб, ишни икки-уч нафар аёл билан

бошлагандик. Ҳозирда маҳалламизнинг 10 — 15 нафар аёли меҳнат қилмоқдамиз. Хоразм тупроғи анча шўр. Бу ерда деҳқончилик осон эмас. Аммо ҳаракатда бўлган одам йўлини топади. Билимимиз ва тажрибамизга таяниб, тупроққа ишлов бериб, гул етиштириш сирларини ўргандик. Ҳар бир



Латофат АМИРОВА,
эркин ижодкор, шоира, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби (Қашқадарё вилояти):

— Кўксингизда юксак мукофот рамзи сифатида нишон порлаб турар экан, зиммангиздаги масъулият ҳар қачонгидан ошганини ҳис этасиз. Шу билан бирга, бугунгача қилган меҳнатларингиз қадр тоғлиганидан беихтиёр кўзларингиз намланади, юрагингиз ҳаяжон завққа тўлади.

Таъкидлашим жоиз, ўтган йиллар мен учун ижодий ютуқларга бой давр бўлди. Хусусан, ижод намуналарим Озарбайжон, Туркия, Бирлашган Араб




жамияти ҳамда Қозоғистон Республикасидаги “Кўш қанот” ижодий уюшмаси аъзосига айландим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Туркона”, Туркияда “Йўловчи” номи китоб-

Олия ИБРАГИМОВА,
«Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 1-Гидрометаллургия заводи кран машинисти, «Дўстлик» ордени соҳиби (Навоий вилояти):

— Онамнинг айтишича, мен туғилганимда отам чексиз қувониб, “Бу болам бошқаларга ўхшамайди, ҳали эл-юрт манфаати йўлида катта ишлар қилади”, деб ният билдирган экан. Мен бу гапларни кейинроқ эшитганман. Аммо вақт ўтиб, ҳаётимга назар ташласам, гўё отамнинг ўша эзгу ниятлари йўлимга ёруғлик бериб тургандай туюлади.

Болалигимдаги қизиқиш мени кран машинисти касбига етаклади. Кўпчилик бу касбни аёл киши учун оғир, масъулиятли деб ўйлайди. Ростдан ҳам, бошида қийинчиликлар, ҳатто бироз кўркув ҳам бўлган. Балан кран тепасида туриб юк кўтариш осон иш эмас. Аммо қизиқишим ҳамда меҳнатга ишончим менга куч берди.

Шу касбимда йигирма йилдан бери меҳнат қилиб келяпман. Жамоамиздаги ягона аёлман. Лекин иш пайтида бу ҳеч сезилма-



ган. Эраклар билан елкама-елка туриб, бир максат йўлида фаолият юритамиз. Камтарона меҳнат билан сийлангани мен учун улкан фахр. Бу мени янада масъулият ва катта ишонч билан ишлашга ундайди. Фаолиятимнинг юксак эътирофини отамнинг эзгу ниятлари рўёби, деб биламан.

Ордени Президентимиз қўлларидан қабул қилиб олишим ҳаётимдаги энг бахтли, ҳаяжонли онлар бўлди. Кўнглимни фахр ва шукроналик туйғулари қамраб олди. Бу мен учун кейин ҳам янада шижоат билан ишлашимга, жамоам билан янги марраларни забт этишга катта илҳом беради.

Гулсара ШЕРМАТОВА,
Тошкент шаҳар Марказий майдонларни ободонлаштириш бошқармасининг кўкалмазорлаштирувчи-гул экувчиси, «Шухрат» медали соҳиби:

— Баъзан гул экиб турган пайтда болалигим ёдимга тушади. Онамнинг қора меҳнатдан қадоқ бўлган кўллари доим кўз олдимда. У пайтларда аёлларнинг меҳнатига бунчалик эътибор берилмасди. Онам умр бўйи ишлади, лекин эҳтиром ва эъзоз деган туйғуни у қадр ҳис қилмаган, десам, ёлғон эмас. Шунинг учун ҳам бугунги кунларда аёлларга кўрсатилаётган қадрни кўрганымда қалбим жуда тўлқинланади.

Мен ўз ишимда 15 йилдан бери фаолият юритиб келяпман. Тошкент кўчалари, майдонлари гулга тўлиб турганини кўрсам, қалбимда бир илиқлик пайдо бўлади. Чунки у гулларнинг қатида менинг ҳам меҳнатим бор.

“Шухрат” медали билан тақдирланганим ҳақидаги хабарни эшитганимда пойтахтимиздаги “Адиблар хиббони” да гул экиб юрган эдик. Иш-хонамиз девонхона бўлимида-



гилар хабарни айтишганда, бир лаҳза гап тополмай қолдим. Қалбимда шундай ҳаяжон пайдо бўлдики, кўзларимга ёш келди. Қўлимдаги гул кўчатларига қараб туриб, меҳнатларим қадр тоғлигини ҳис этдим. Бу қадр фақат менга эмас, йиллар давомида меҳнат қилиб келган онамга ва онам каби заҳматқаш аёлларга ҳам берилган эъзоздек туюлди.

Гуллар орасида ишлаб юриб бир ҳақиқатни тушундим. Инсон меҳр билан меҳнат қилса, ер ҳам унга барака беради. Шунинг учун ҳар кун ишга катта иштиёқ билан келаман. Чунки мен экиб кетган гуллар эртанги куннинг гўзаллигига айланади.

Муслимаҳон АБДУҚАҲХОРОВА,
Андижон давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби:

— Жонажон Ватанимиз бугун том маънода имкониятлар, саодатлар, ёшлар ўлкасига айланган. Бунга жавобан юртимиз ўғил-қизлари ҳам ҳар соҳада ўзларини кўрсатишга, муайян натижаларга эришишга интилоқда. Ана шундай ёшлар қаторида эканим менга янада куч бағишлайди, албатта.

Олий ўқув юртида таҳсил олиш билан бирга Олтинқул туманидаги 3-умумтаълим мактабда тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси сифатида фаолият юритиб, ёш авлодга санъат сирларини ўргатишга ҳаракат қиляпман. Ижодим орқали миллий қадриятларимиз, бой тарихимиз ва Янги Ўзбекистон тараққиётини акс эттиришга интиламан. Республикамиз миқёсида қатор кўргазмалар ташкил қилдик, шунингдек, Тожикистон ва Қирғизистон, Россияда ҳам ижодий ишларим намойиш этилди. Турли халқаро ва мил-



лий танловларда қатнашиб, зафар қуддим. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлиш нафақат юксак эътироф, балки катта масъулиятдир. Бу мукофот менга янада кўпроқ изланиш, ижодимни бойитиш ва Ватанимиз равнақига хизмат қилиш илҳомини беради.

Ушбу мукофотни Юртбошимиз қўлидан қабул қилиб олар эканман, қувончим ичимга сигмади, бу келажак мақсадларим учун берилган юксак ишонч эканини ҳис этдим. Шундай мақсадларимдан бири — маҳалламизда тасвирий санъатга қизиққан ёшларни бир жойга жамлаб, бепул тасвирий санъат тўғрисида очил. Ёш авлоднинг салоҳиятини ривожлантиришга қўмаклашишни дилимга тукканман.

Жорий йилда фармацевтика тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмини 8,5 трлн. сўмга етказиш соҳани ривожлантиришининг асосий мақсадларидан бири этиб белгиланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюджет Г — 342. 25 879 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Гезетанинг ҳақидаги маълумотларни оқибат оқиши учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва мукаллиф қайтарилмайди.

Гезетанинг тақриб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Гезетанинг тақриб берилишида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусафҳачи — С. Исломов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ҳафтаси — 21.30 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-6768